



Наи́ма ЗАЙНОБИДИНОВА,
Наманган давлат университети
Ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси, ф.ф.н.
E-mail:znaimahon@bk.ru

НамДУ доценти, ф.ф.н. Рахимбоева Д. тақризи асосида

ИБН СИНОНИНГ “ҲАЙЙ ИБН ЯҚЗОН” ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ “МАСНАВИЙ” АСАРЛАРИДА АҚЛ ВА НАФС МУНОСАБАТИ

Аннотация

Мақолада ақл ва нафс муносабатларининг янгича талқини Ибн Сино ва Жалолiddин Румий асарлари мисолида қиёсий таҳлил қилинган. Ақл ва нафснинг моҳияти, инсон камолотида ақл ва нафс муаммолари, уларнинг ечими Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” ва Жалолiddин Румийнинг “Маснавий” асарлари орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: ақл, рух, жисм, нафс, жон, тафаккур, ахлоқ, маънавий камолот, моддий ва маънавий олам, Ибн Сино, Жалолiddин Румий, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Маснавий”.

ВЗАИМООТНОШЕНИЕ МЕЖДУ РАЗУМОМ И Я В РАБОТАХ ИБН СИНОНИ «ХАЙ ИБН ЯКЗАН» И ДЖАЛАЛИДДИН РУМИ «МАСНАВИЙ»

Аннотация

В статье проводится сравнительный анализ новой интерпретация взаимоотношений разума и души на примере произведений Ибн Сины и Джалалиддина Руми. Сущность интеллекта и похотливость, проблемы интеллекта и похотливость в человеческом совершенстве и их решение раскрываются в трудах Хайя ибн Якзана Ибн Сины и Маснави Джалалиддина Руми.

Ключевые слова: разум, дух, тело, похотливость, душа, созерцание, мораль, духовная зрелость, материальный и духовный мир, Ибн Сина, Джалалиддин Руми, «Хай ибн Якзан», «Маснави».

THE RELATIONSHIP OF THE MIND AND THE SELF IN THE WORKS OF IBN SINONI "HAI IBN YAKZAN" AND JALALIDDIN RUMI "MASNAVIY"

Annotation

The article presents comparative analysis of a new interpretation of the relationship between mind and soul using the example of the contributions of Ibn Sina and Jalaliddin Rumi. The essence of intelligence and lasciviousness, the problems of intelligence and lust in human perfection and their solution are revealed in the writings of “Hay ibn Yakzan” Ibn Sina and “Masnavi” Jalaliddin Rumi.

Key words: mind, spirit, body, lust, soul, contemplation, morality, spiritual maturity, material and spiritual world, Ibn Sina, Jalaliddin Rumi, “Hay ibn Yakzan”, “Masnavi”.

Кириш. Инсон учун кайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш барча даврларда, ислом тасаввуфининг доимий ўзак масаласи бўлиб келган. Айниқса, инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари, рух ва жисм орасидаги кураш Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдулолик Гиждувоний, Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фаргоний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Жалолiddин Румий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абу Ҳомид Ғазолий, Фаридиддин Аттор, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби бир қанча сўфийлар ва мутафаккирларни кўп қизиқтирган. Улар инсонда азалий икки қарама-қарши куч – раҳмоний ва шайтоний қувватлар борлигини, инсон Аллоҳнинг бандаси сифатида шайтон қутқусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни, жамият бўлиб яшаш тартибларига ҳам шу мавқадан туриб қаралган; чунончи, ижтимоий низолар, уруш-жанжаллар, мулкий тенгсизликнинг туб моҳияти, бош сабабини ҳам тасаввуф инсон табиати ва сийратидан кидиради, инсоннинг ахлоқини тузатишни унинг табиатидаги салбий, ҳайвоний кучларни маҳв этишдан бошлаш керак, деб тушунтиради. Ислом бағрида шакллланган тасаввуф фалсафасига кўра, инсон қарама-қарши икки асос, модда ва руҳдан иборат. Шунинг учун унда шу икки асоснинг хусусиятлари жамдир. Агар

моддийлик ғалаба қилса, инсонда ҳайвонийлик, агар рух томони устун келса, илоҳийлик ривожланади. Рух жисм қулига айланиб қолмаслиги керак, аксинча, жисм рух учун бир асбоб-улов, восита бўлиб хизмат қилиши, тана ақли эмас, ақл танани бошқариши лозим.

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда, юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтиришга, таълим-тарбия тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – ажодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”. Сўнги йилларда бу борада мамлакатимиз раҳбари томонидан кўплаб қарорлар, фармон ва фармойишлар қабул қилиниб, ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилганлиги, 2020-йил 16-июлда Ҳукуматнинг 422-сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши, “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан

Инсон сезгиларини ақл билан бошқариши, агар нафси устун келса тубанликка юз тутиши мумкинлиги, шунинг учун нафсининг жиловини қўлга олиш лозимлиги таъкидланади. “Сен ўз тизгинингни улар қўлига тутқазиб қўйишдан ёки уларнинг ўзинга етакчи бўлишларидан саклан. Қайтанга уларга яхши тадбир қўллаб, устун келишга ҳаракат қил. Шунда сен уларни тўғри йўлга бошлаган бўласан.”

Мутафаккирнинг айнан юқоридаги фикрлари буюк мутассаввиф Мавлоно Жалолiddин Румий ижодларида ҳам келтирилган. У инсон нафсини отга, ақлини эса чавандозга қиёслайди. Ақл нафсга бўйсунса, яъни от чавандозни етакласа, ҳалокатга юз тутиши, шунинг учун доимо чавандоз отнинг йўлбошчиси бўлиши, ақл нафсини бошқариши кераклигини айтиб ўтади.

«Мен Тангри айтганидан кечолмайман, У мени едиради ва ичиради» - деб буюрилганидек сенинг учун емоқ ва ухламоқдан бошқа яна бир озиқ бордир. Сен бу дунёда шу озиқни унутгансан, ўзгаси билан машғулсан. Вужудингни кеча – кундуз моддий озиқ билан боқсан. Бўлса бўлмаса, бу вужуд сенинг отингдир. Дунё – от охури. Отнинг еми унинг эгасининг емиши бўлмайди. Унинг ўз емиши, неъматлари бор”.

Ибн Сино инсоннинг нафсга ружу қўйишини шундай ўхшатиш билан ифодалайди: “Мана бу сўлингдаги ошнанг эса, ўлгудай ифлос, очофат, бутун вужуди билан шаҳватга берилган кишидир. Унинг қорнини тупроқдан бўлак ҳеч нарса тўлдиролмайдди, очлигини гард, чангдан бўлак ҳеч нарса йўқота олмайди. У ўлгудай ялоки, хўранда, ютоққан, мечкай ва ямлоқдир. У роса очиктириб, кейин ахлатга қўйиб юборилган тўнгизга ўхшайди.”

Мутафаккирнинг бундай фикрлари Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарида ҳам ниҳоятда ибратли ва насихатомуз мисраларда ифодаланган.

Жон – гўдак, шайтон сүтидин сен айир,

Сўнг малоикларга ҳамроҳ айлагил.

Тан учун жонингни гулҳан айладинг,

Жонни ёқдинг, танни равшан айладинг.

Кўзким охири кўргай ул-расо,

Кўзким охури кўргай ул-хато.

Шундан кўринадики, инсон ҳар томонлама парваришга муҳтождир лекин бу парвариш фақат бир томонлама бўлиши керакмас, яъни фақат дунёнинг моддий лаззатларига кўмилмасдан Руҳ парвариши ҳақида ҳам ўйлаши керак. Инсон руҳини тарбиялаш баробарида ўзининг моддий жиҳатларини ҳам унутмайди, бу эса инсондаги моддий ва маънавий оламнинг уйғунлигини таъминлайди. Барчага маълумки инсон то тирик экан, моддий оламдан мутлақо ажралиб яшай олмайди. Сезги аъзоларимиз эса, бизни моддий олам билан боғлаб турувчи муҳим жиҳатимиздир. Ибн Синонинг “Хайй Ибн Яқзон” асарида таъкидланганидек, улар бизнинг ажралмас “ошналаримиз”дир ва биз уларсиз бу дунё сирасорларидан воқиф бўла олмаймиз. Лекин улар бизга доим ҳам тўғри йўл кўрсатмайди.

“Эй, мискин! Бу ошналарингга сен шундай боғланиб қолгансанки, улар ва уларга ўхшаганларнинг оёғи ҳеч ҳам тегмаган мамлакатга чиқиб кетиб, улардан қутулмасанг, бошқа ҳеч нарса сени қутқаролмайди. Лекин ҳозир улардан ажралишининг вақти ҳам эмас, қочиб қутулишинг ҳам қийин. Энди қўлингни улардан узун қилиб юр. Сенинг ҳукминг улар ҳукмидан устун келсин... Мен машаққат тортиб, улар билан шугуллана бошладим. Гоҳ менинг қўлим улардан, гоҳ уларнинг қўли мендан баланд келарди. То ажралиш пайти келгунга қадар бу ошналарим билан яхши қўшничилик қилишим учун Парвардигордан ёрдам тилайман.” Мутафаккир юқоридаги фикрларида ҳиссий ва ақлий билишнинг бир-

бирига боғлиқлигини, ҳиссий билиш орқали олинган билимларга тўғридан-тўғри ишониб қолмасдан, бу билимларни тафаккур ёрдамида қайта тахрирлаш муҳимлигини таъкидлайди.

Ҳиссий ва ақлий билиш ўртасидаги қарама-қаршиликлар диалектиказининг фақат инсонгагина хослигини Жалолiddин Румий ўзининг “Ичингдади” асарида ифодалаб шундай дейди:

«Яратиклар уч қисмга бўлинади:

• Биринчиси, малаклар. Булар нуқул ақлдир. Ибодат, куллик ва зикр табиатларида бор. Малаклар шулар асосида яшайдилар. Гўё балиқдек. Балиқнинг тириклиги сувдан, ётоғи сув. Малаклар шаҳватдан йироқдир. Шаҳват билан машғул бўлмаслик, нафс истакларини адо этмаслик, буларнинг барчасидан покиза бўлмоқлик буюк бир давлат. Шундай экан, малаклар учун ўз табиатлари билан ҳеч қандай кураш бўлиши мумкин эмас. Улар ибодатларини ибодат ҳисобламайдилар, чунки бу улар яратилишининг заруратидир ва ибодатсиз яшай олмаслар.

• Иккинчиси, ҳайвонлар синфи. Булар нуқул шаҳватдан иборат. Уларни ёмонликдан қайтарувчи ақллари ҳам йўқ.

• Учинчиси, ақл ва шаҳватдан иборат заволли инсондир. Устига устак, инсон учун тақлиф бор. Ҳайвон ва малаклар учун бу – истисно эди.

Демак инсоннинг ярми шаҳват, ярми ҳайвон, ярми илон, ярми балиқ. Балиқ қисми уни сувга тортса, илон бўлаги тупроққа судрайди. Ана шу тарзда доимий жанг барҳаёт. «Ақли шаҳватидан устун келган киши малаклардан афзал, шаҳвати ақлидан ғолиб келган кимса эса ҳайвондан тубандир» (Ҳадис). Малак билими билан, ҳайвон билимсизлиги билан қутулади. Бани одам эса шу иккаласи ўртасида аросатда қолади. Баъзи инсонлар ақлга шу қадар эргашадиларки, натижада бутунлай малаклашадилар, нур бўладилар. Булар анбиё ва авлиёдилар. Улар умид ва кўрқувдан қутулганлар. Шаҳвати ақлларида устун келган кимсалар тамоман ҳайвонлашадилар, баъзилар эса икки ўт орасида қолиб қийналмоқдалар. Валийлари мўминларни ўз даражаларига етказмоқ учун уларнинг ўзларига келишини қутардилар. Шайтонлар ҳам ўз навбатида, мўминларни ўз томонига ва жаҳаннам тубига тортиқлайди». Албатта, Жалолiddин Румий мутафаккир сифатида инсонлар нима учун нафсга берилиши сабабларини кўрсатишга ҳам ҳаракат қилади. Мутасаввифнинг таъкидлашича, инсон тана ва руҳнинг бирлигидан иборат бўлгани ҳолда тана майллари, хохиш-истаклари, эҳтиёжлари кўпинча руҳ майл ва эҳтиёжлари устидан ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилади. Инсон эса, табиатан шундай яратилганки, уни тана эҳтиёжини қондириш лаззатлари ўзига мафтун этади, сеҳрлаб қўяди. Ўз майлига бўйсундиришга ҳаракат қилади.

Нозланур тан, кўрсатиб ҳусну нишот,

Жон ниҳон айлар вале қўлу қанот.

Унга дерким этмагил нафсинг йирик,

Неча кун сен мен ила борсен, тирик.

Ишва –нозинг сигмагай дунёга чун,

Мен кетар бўлсам, бўлур ҳолинг забун.

Дўстларинг тупроққа элтгайлар сени,

Ем қилиб, қуртларга тутгайлар сени.

Сенга сажда айлаганлар сал бурун,

Сассиғингдин энди бургайлар бурун.

Хулоса ва тақлифлар. Ибн Синонинг “Хайй ибн яқзон” ва Жалолiddин Румийнинг “Маснавий” асарларида ақл ва нафс муносабатларининг таҳлили натижасида қуйидаги хулосага келинди:

Тана ва руҳ ўртасидаги зиддиятни баргараф этиш инсонни маънавий камолотга эришишида энг амалий воситалардан биридир. Инсон қарама-қарши икки асос –

модда ва руҳдан иборат экан, унда шу икки асоснинг хусусиятлари мужассамлашган бўлиб, агар инсонда моддийлик ғалаба қилса тубанлик (хайвонийлик), руҳ ғалаба қилса, ахлокийлик (маънавий юксаклик) ривожланишини Ибн Сино ҳам, Румий ҳам образли тарзда, инсонлар қалбига тўғридан-тўғри кириб борадиган қилиб ифодалаган. Жумладан, Румий жисм ва руҳ уйғунлиги муносабатини шундай ўхшатиш орқали баён қилади: “Агар данакни чакиб, мағизини эксанг, унмайди. Агар қобиғи билан бирга тупроққа қадасангчи, униш ҳодисаси юз беради.” Бу ерда данакнинг мағизи руҳ бўлса, қобиғи жисм яъни танадир. Демак, данак мағиз ёки қобиқсиз унмаганидек, инсон ҳам руҳ ва жисмсиз ўз моҳиятини йўқотади. Инсон то ҳаёт экан, ана шу икки асоснинг олтин ўрталигини топа билиши муҳимдир. Инсон хайвон ва фаришта ўртасидаги вужуд бўлса-да, руҳнинг фалакларга парвози туфайли фаришталик мақомига етишиши, ҳатто бундан ҳам юксалиб, илоҳий олам саодатига мушарраф бўлиши мумкинлигини ёритиб беришган. Ибн Сино ўзининг “Нурланиш”, “Шогирдларга ўғитлар” асарларида инсон жони ҳар хил босқичларда бўлиши ва бу босқичларда инсон ўз жонини англай олмаслиги, натижада жон азобланишини таъкидлайди. “Нурланиш” асарида жон фақат энг юқори босқичдагина ўз-ўзини англайди ва инсон онгида нурланиш содир бўлади. Ўз жонини англаган инсон фариштадан ҳам юксак бўлган қомиллик мақомига эришади, деб баён қилинган. Бундан кўринадики, Ибн Сино ижодининг кейинги (иккинчи) даврида янги қирраларга ва таҳлил қилишнинг янги усулларига эришди. Будаврда Ибн Сионинг тили мантикий таҳлил қилиш ва мантикий усуллардан фойдаланиш доирасидан четга чиқиб, бадий образли,

қиска ва лекин чуқур, мазмунларга тўла сиймолардан фойдаланувчи тилга айланди.

Инсонда моддий ва маънавий олам эҳтиёжлари мужассамлашгани учун унга ихтиёр ва танлаш эркинлиги берилган. Бу ихтиёрнинг икки қутби – эзгулик ва тубанликдир. Инсонга Яратган томонидан берилган бу қутблар ўртасидаги зиддиятлар (курашлар) бутун башарият ҳаётининг бу фоний дунёдаги имтиҳонидир. Жадаллик билан тараққий этиб бораётган бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Улар қулай ва самарали илм олиш мақсадида ахборот технологияларидан унумли фойдаланишмоқда. Афсуски, барча яхши нарсанинг бир ёмон томони бор бўлганидек, билим ва маълумот олиш жараёнида турли хил ахборот хуружларига дуч келмоқда ва унинг гирдобига тушиб қолмоқда. Ёшлар онгини бундай хуружлардан ҳимоя қилиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш эса, бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Бу йўлни кўрсатишимизда бизга мутафаккирларимизнинг ижоди дастурул амал бўлиб хизмат қилади. Ибн Сино ҳам Жалолиддин Румий ҳам нафси қандай тарбиялаш, бошқариш мумкинлигини, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини асарларида тушунарли тарзда кўрсатиб бера олишган. Мутафаккирларнинг нафақат ижоди балки, ҳаёт йўллари ҳам барчага ўрнак бўлиши лозим. Шунинг учун ёшларимиз бу каби асарларни кўпроқ мутолаа қилиши ва тўғри хулоса чиқариб, ҳаёти давомида фойдаланиши зарур. Бунинг учун эса, олимларимиз бу мавзуларда кўпроқ илмий тадқиқотлар олиб бориши, китоб, рисола ва мақолалар ёзишлари ва ёшлар орасида кенг татбиқ этишлари муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш”га бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи. 19.01.2021й. www.president.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида PFL-549/20
3. Абу Али Ибн Сино. Хайй Ибн Яқзон (Уйғоқ ўғли тирик), Арабчадан Абдусодиқ Ирисов таржимаси, Тошкент, Ибн Сино нашриёти. 1980.
4. Абдусодиқ Ирисов. Шарқ мутафаккирлари. Ҳақим Ибн Сино. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
5. Диноршоев М. Ибн Сина Абу Али. Избранные произведения. Душанбе. Ирфон, 1980.
6. Муҳаммад Истеъломий. Жалолиддин Румий ҳақида. Техрон, 2001.
7. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013.
8. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. –Тошкент: Меҳнат, 2001.
9. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. Биринчи китоб. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 2001.
10. Қобулнӣёзова Гулчехра. Мутафаккирлар Ф. Ницше ва А. Бергсоннинг ҳаёт фалсафасида инсон муаммоси. – Тошкент: ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2010.
11. <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/abu-ali-ibn-sino/abu-ali-ibn-sino-ajj-ibn-ya-zon-falsaf/>
12. Абу, Али Тиб қонунлари [Matn]: К. 2 / С. Ибн, А.Абу; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти, Ибн Сино жамоат фонди; таржимонлар: А.Расулов, С.Мирзаев, У.И.Каримов, А. Муродов. - 3-нашр. - Тошкент: Navro'z, 2014. - 776 б.
13. Сагадеев А. В., Ибн Сина (Авиценна), М., 1980
14. Тиб қонунлари [3 жилдли сайланма; тузувчилар: У. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев], Т., 1992
15. Мўминов И., Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавхалар, Т., 1999.
16. Хайруллаев М., Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Т., 1971.
17. А. Ирисов. Ибн Сионинг “Саломон ва Ибсол қиссаси”. Тошкент, Фан, 1980 й., Ирисов А., Абу Али ибн Сино, Т., 1980
18. Мажидов Н., Неврологические воззрения Абу Али ибн Сины, Т., 1880.
19. Баратов М., Хорижий шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари очерклари (монография), Т., 1971.
20. Исақова З. Р. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий таҳлили: Фалсафа фан. номзоди ... дис. автореф. -Тошкент. 2007.
21. Мажидова О.У., Абу Али Ибн Сино фалсафасида ҳақиқатга эришишнинг мантикий концепцияси. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. 2017 й.

22. Исакджанов Р.Р., Ибн Сино теологик таълимотида гносеологик тамойиллар. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. 2017 й.
23. Фурузонфар Б. Аходиси “Маснави”. – Тегеран: 1344 х.; Яна: Муқаддима. Мухаққиқ Бурхонуддин. Маориф.-Тегеран: без года изд.; Хумои Ч. Газалиёти девони Шамс. Газалиёти Шамси Табрези.-Тегеран: 1335 х.; Чаъфари М. Тафсир ва нақд ва таҳлили “Маснави”-и Мавлоно Чалолуддин Мухаммади Балхи.-Тегеран: без года изд.-Ч. 1-15; Мухаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. –Техрон: 2001.
24. Қобулниёзова Гулчеҳра. Мутафаккирлар Ф. Нишсе ва А. Бергсоннинг ҳаёт фалсафасида инсон муаммоси. – Тошкент: ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2010. –Б. 30-35.
25. Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавий маънавий. Биринчи китоб. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 2001. –Б. 161.